

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ ДИЛШОД МАМАРАСУЛОВИЧ

**КАЛЬЦИЙ ВА МАГНИЙ СУКЦИНАТЛАРИНИНГ БИР ТУРЛИ ВА
АРАЛАШ ЛИГАНДЛИ КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИНИНГ
СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Хайдаров Дилшод Мамарасулович Кальций ва магний сукцинатларининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези , тузилиши ва қўлланиши	3
Хайдаров Дилшод Мамарасулович Синтез, строение и применение однородных и смешаннолигандных координационных соединений сукцинатов кальция и магния	21
Khaydarov Dilshod Mamarasulovich Synthesis, structure and using of monotype and mixed coordination compounds of calcium and magnesium succinate	41
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	44

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc27.06.2017.К.01.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УМУМИЙ ВА НООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ

ХАЙДАРОВ ДИЛШОД МАМАРАСУЛОВИЧ

**КАЛЬЦИЙ ВА МАГНИЙ СУКЦИНАТЛАРИНИНГ БИР ТУРЛИ ВА
АРАЛАШ ЛИГАНДЛИ КООРДИНАЦИОН БИРИКМАЛАРИНИНГ
СИНТЕЗИ, ТУЗИЛИШИ ВА ҚЎЛЛАНИШИ**

02.00.01 – Ноорганик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.PhD/К32 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Умумий ва ноорганик кимё институтида бажарилган.
Диссертация автореферати учта тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб саҳифада ik-kinuо.nuu.uz ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) га жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Азизов Тохир Азизович
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Кадинова Шаҳноза Абдухалиловна
кимё фанлари доктори, доцент

Даминова Шаҳло Шариповна
кимё фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.К.01.03. рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «__» март соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 227-12-24, факс: (+99824) 246-53-21; 246-02-24. E-mail: chem0102@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ __ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент, Университет кўчаси, 4 уй. Тел.: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» февраль куни тарқатилди.
(2018 йил «__» февралдаги ____ рақамли реестр баённомаси).

Х.Т. Шарипов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси,
к.ф.д., профессор

Д.А. Гафурова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, к.ф.д.

Н.А.Парпиев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси,
к.ф.д., академик

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экологик муаммолар, экинга яроқли ер ресурслари ва сув захираларининг қисқариши янги турдаги кимёвий бирикмалар ишлаб чиқариш муаммосини янада кучайтирмоқда. Шунинг учун қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири аҳолининг сифатли маҳсулотларга бўлган талабини тўлароқ қондиришдан иборат. Шу ўринда қишлоқ хўжалигида кенг фойдаланиш учун ҳосилдорликни оширувчи ва ўсишни тезлаштирувчи, самарали хусусиятларга эга бўлган янги комплекс бирикмаларни синтез қилиш кун тартибдаги долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда кимё саноатида оралиқ металлларнинг турли хил лигандлар билан комплекс бирикмалари синтез қилинмоқда, асосий экинларнинг ўсишини тезлаштириш ва ҳосилдорлигини ошириш мақсадида кўпгина стимуляторлар, жумладан металл комплекслар синфига мансуб моддаларни яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шуни таъкидлаш лозимки, фаол металллар дикарбоксилатларининг бир турли ва аралаш лигандли комплекс бирикмалари синтез қилинмаган ва уларнинг биологик фаоллигини ўрганишда тизимли тадқиқотларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Комплекс бирикмалар синтез қилишнинг самарадор усулларида бири, механокимёвий усул ҳисобланади. Синтезнинг бу усули комплекс бирикмалар яратишда реагентлар сарфини камайтиради, қимматбаҳо эритувчиларсиз амалга оширилади. Бу эса бошқа усулларга қараганда сезиларли даражада харажатларни камайтиришга олиб келади.

Бугунги кунда Республикада кимё саноати маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва уларни иқтисодиётнинг тармоқларига жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда маҳаллий хомашёлар асосида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи янги турдаги стимуляторлар ишлаб чиқаришга муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб металл тузларининг органик лигандлар билан комплекс бирикмалари синтез қилинган, комплексларнинг тузилиши, электрон структураси, реакцион қобилияти, физик-кимёвий хоссалари, биологик фаоллиги ўрганилган ва ушбу соҳада муайян натижаларга эришилди. Бу борада ўсимликларнинг ҳосилдорлигини оширишга хизмат қилувчи (Ҳосил, ТЖ-85, Т-86) стимуляторларни алоҳида таъкидлаш мумкин. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни изчил ривожлантириш, мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш»¹ га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан, қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширувчи, уларнинг ўсишини

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

тезлаштирувчи ва сувни тежовчи янги турдаги арзон препаратларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» ва 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бир неча металл карбоксилатларининг органик лигандлар билан синтези, таркиби, тузилиши, термик таҳлили, электрон тузилиши, реакция қобилияти ва биологик хоссалари бўйича катта ҳажмда тадқиқотлар олиб борилган. Жаҳон миқёсида ва республикамизда қўйидаги тадқиқотчилар томонидан шу соҳада илмий ишлар бажарилган: Порай-Кошиц М.А., Сулайманкулов К.С., Харитонов Ю.А., Азизов М.А., Скопенко В.В., Hamilton W.S., Цивадзе А.Ю., Цинцадзе Г.В., Stone M.E., Парпиев Н.А., Шарипов Х.Т., Шабилалов О.И., Ходжаев О.Ф., Хакимов Х.Х., Спицин К.А., Азизов Т.А., Азизов О.Т., Кадирова Ш.К., Кадырова З.Ч., Войтюк А.А., Возняковская Ю.М., Кукушкин Ю.Н., Гарновский А.Д., Uno T., Steward I.E., Горенбейн Е.Я., Gentile P.S., Naumov D.Y., Быков И.Е., Nardelli M., Алявия М.К., Юнусходжаев А.Н., Дусматов А.Ф., Набиев М.Н., Тураев Х.Т., Насимов Х.М., Kozlevcar B., Исаков Х., Хасанов Ш., Азизжанов Х., Сулейманова Г.Г., Ибодуллаева М.И., Дусматова А.Д., Ибрагимова М.Р. ва бошқалар.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Умумий ва ноорганик кимё институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ФА-Ф7-Т168 «Полифункционал таъсирли қатор металлларнинг синтези, тузилиши, кристалл ва электрон структураси, реакция қобилиятлари, кимёвий ва биологик хоссаларини илмий асосларини қайд қилиниши» (2012-2016 йй.) ва ФА-Ф7-012 «Полифункционал таъсирли янги аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтези, тузилиши, реакция қобилиятлари ва биологик хоссаларининг илмий асослари» (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади магний, кальций сукцинатларининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларини синтез қилиш асосида янги турдаги стимуляторлар олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

магний, кальций сукцинатларининг кислота амидлари билан бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмаларининг синтезини амалга ошириш;

синтез қилинган координацион бирикмаларнинг таркиби ва индивидуаллигини аниқлаш;

ИҚ-спектроскопия, рентгенфазавий, термик анализ усуллари ёрдамида олинган комплекс моддаларнинг тузилишини таҳлил қилиш;

квант-кимёвий оптималлаштириш усули асосида айрим координацион бирикмаларини энергетик ва геометрик хусусиятларини таҳлил қилиш;

синтез қилинган комплексларни қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи ва ҳосилдорлигини оширувчи стимуляторлар сифатида қўлланиш имкониятларини аниқлаш.

Тадқиқот объекти формаамид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, никотин ва бензой кислоталари, магний ва кальций сукцинатлари.

Тадқиқот предмети янги координацион бирикмаларнинг таркиби, индивидуаллиги, тузилиши, электрон тузилиши, реакция қобилиятлари, термик ва биологик хоссаларини ўрганиш.

Тадқиқот усуллари. Элемент таҳлили, ИҚ-спектроскопия, дифференциал-термик, аналитик, рентгенфазавий, квант-кимёвий ва биологик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

магний, кальций сукцинатларининг 61 та бир турли ва аралаш лигандли янги координацион бирикмаларининг синтези амалга оширилган, таркиби ва индивидуаллиги аниқланган;

амид, ацидолиганд фрагментларининг координацияланиш хоссалари инфрақизил ютилиш спектроскопия усули билан ва квант кимёвий таҳлиллар асосида бир неча бирикмалар тузилиши исботланган;

бирикмалардаги сукцинат гуруҳининг тузилиш хусусиятлари ва таркиби, хоссалари комплекс ҳосил қилувчининг табиатига, органик лигандга ва координацияланиш қобилиятларига боғлиқлиги аниқланган;

амидлар ва сукцинат фрагментининг координацияланиш қобилияти рақобатини белгиловчи омиллар аниқланган;

қишлоқ хўжалиги экинларини ўстирувчи ва ҳосилдорликни оширувчи фойдали стимуляторлар яратилган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

олинган магний, кальций сукцинатларининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмалари натижаларидан металл тузларининг бошқа лигандлар билан аралаш молекулали координацион бирикмаларини синтез қилиш учун фойдаланиш мумкин;

физик-кимёвий хоссаларини ўзаро боғлиқлиги орасида ўзига хослик қайд қилинган (бирикма тури, марказий атом табиати, координациялашган нейтрал ва ацидолигандлар, ҳамда биологик фаоллик) ва биоактив бирикмаларнинг синтезига ҳисса қўшишга йўналтирилган.

кам захарли ва самарали $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2$ пахтани ўстирувчи стимуляторлар яратилган.

рентгенфазавий таҳлил, электрон тузилишини ҳисоблаш, термик таҳлил ва реакцион қобилиятлари натижаларини маълумотнома сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий натижалар ва хулосаларнинг асосланганлиги, изланишларнинг замонавий ИҚ-спектрометрия, рентгенфазавий, термик таҳлил, компьютер кимёси, биологик ва бошқа тадқиқот усулларида олинган натижалар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти синтез қилинган моддаларнинг тури (таркиби ва тузилиши) координацион сферадаги жойларни эгаллаш учун лигандлар ўртасидаги рақобат ва металл ионининг табиати билан белгиланишини кўрсатиб берилганида, ҳамда бирикмаларнинг структурасидаги ўзига хос хусусиятларнинг аниқланганлигида намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти пахта учун кам захарли самарали ўстирувчи стимуляторлар таъсирига эга бўлган моддалар $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$, $\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2$ таклиф этилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Магний, кальций сукцинатларининг бир турли ва аралаш лигандли координацион бирикмалари синтези, тузилиши ва қўлланишини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган комплекс бирикмалардан ОТ-Ф7-48 рақамли «Иммобиланишни назарий ва атроф мухит объектларида приоритетли ифлослатирувчиларни тестлашда ва аниқлашда иммобиланган органик реагентларни қўллаш» мавзусидаги фундаментал лойихасида биологик хусусиятларнинг молекула тузилишига, марказий атом қуршови ва лигандлар табиатига боғлиқлигини аниқлашда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 18 октябрдаги ФТА-02-11/905-сон маълумотномаси). Натижада янги бир турли ва аралаш-лигандли комплексларнинг спектрал хоссаларини, металл атомининг реагент функционал гуруҳи билан координацияланишини тавсифлаш имконини берган;

$\text{CaC} \cdot \text{ФА} \cdot \text{К}$ стимуляторининг биологик фаоллиги Самарқанд селекция, уруғчилик ва пахта етиштириш агротехнологияси илмий-текшириш институти майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 февралдаги 07/23–208-сон маълумотномаси). Натижада $\text{CaC} \cdot \text{ФА} \cdot \text{К}$ стимулятори билан ишлов берилган чигитнинг униб чиқиши муддати 3-5 кунга, пахтанинг очилиш муддати 7-10 кунга қисқарган ва ҳосилдорлик 15-20 % ошиш имконини берган.

CaC·K·TK стимуляторининг биологик фаоллиги Самарқанд селекция, уруғчилик ва пахта етиштириш агротехнологияси илмий-текшириш институти майдонларида амалиётга жорий этилган (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2018 йил 8 февралдаги 07/23–208-сон маълумотномаси). Натижада пахтанинг сифатини ва ҳосилдорлигини 1,2 баробар ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та Халқаро ва 6 Республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та илмий мақола, жумаладан 6 та Республикамизда ва 2 та чет эл журналларида нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, чоп этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Металл тузларининг биологик фаол лигандлар билан ҳосил қилган координацион бирикмаларини синтези**» деб номланган биринчи бобида синтез бўйича адабиётларни ўрганиш, органик бирикмалар билан карбон кислота тузларининг тузилишини физик-кимёвий хоссаларини, формамид – HCONH_2 , ацетамид – CH_3CONH_2 , карбамид – $\text{CO}(\text{NH}_2)_2$, тиокарбамид – $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$, нитрокарбамид – $\text{O}_2\text{NHNCNH}_2$, никотинамид – $\text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ билан ҳосил қилган металл тузларининг координацион бирикмалари ва металл карбоксилатлари асосидаги ўсимликни ўстирувчи стимуляторларни ўрганиш таҳлил қилинган.



Диссертациянинг «**Магний, кальций сукцинатининг координацион бирикмаларининг синтези ва уларнинг таркибини аниқлаш**» иккинчи бобида реактивларни, қурилмаларни, синтез усулларини танлаш, магний ва кальций сукцинатнинг дастлабки моддаларини олиш, магний ва кальций сукцинатларининг формамид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, никотин ва бензой кислоталари билан аралаш лигандли координацион бирикмаларини олиш ҳақида маълумотлар келтирилган. Адабиётларда магний, кальций сукцинатларининг

бензой ва никотин кислоталари ҳамда амидлар билан аралаш лигандли координацион бирикмалари тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас.


Комплекс бирикмаларни синтез қилиш учун биз жуда қулай механохимёвий усулни танладик, бу усул қимматбаҳо органик эритмаларни талаб қилмайди.

Дастлабки компонентларнинг ўзаро таъсирининг механохимёвий жараёни шарли тегирмонда хона ҳароратида магний ва кальций сукцинатлари ва амидларнинг 1:2, 1:4 ва 1:1:1 нисбатларда жадал таъсирланиш орқали амалга оширилади. Шу усулда қолган бирикмалар олинди.

Диссертациянинг «Комплексларнинг индивидуаллигини аниқлаш, органик лигандларнинг координацияланиш усуллари, комплексларнинг термик ва квант-химёвий хусусиятларини тадқиқ қилиш» деб номланган учинчи бобида формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, бензой ва никотин кислоталари, ҳамда магний ва кальций сукцинатларининг янги бирикмаларининг ўзаро текисликлари орасидаги масофаларини ва нисбий сезгирликларини солиштирилганда, улар шубҳасиз ўзаро бир-биридан ва дастлабки бирикмалардан фарқланишини исботланган (1- ва 2-расм).



1-расм. Рентгенограммалар: а-СаС₄Н₄О₄·3Н₂О, б-СН₃СОНН₂.



2-расм. Рентгенограмма: в- $\text{CS}(\text{NH}_2)_2$, г- $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$

Натижада, олинган координацион бирикмалар ўзларининг индивидуал кристалл панжараларига эга эканлигини тасдиқлади.

ИҚ-спектроскопия маълумотлари асосида формаид, ацетамид, карбамид, нитрокарбамид, қахрабо кислота аниони кислород атомлари орқали координациялашганлиги аниқланди. Тиокарбамид ва никотинамид молекулалари эса тиоамид гуруҳидаги олтингугурт ва пиридин ҳалқасидаги азот гетероатом орқали координациялашади. Сукцинат дианиони координацион узелларнинг таркиби ва геометрик конфигурациясига боғлиқ ҳолда моно- ва бидентат-циклик координацияланишни намоён қилади (1-16).

Эркин формаид молекуласининг ИҚ-спектр ютилишидаги иккита частотаси 1692 ва 1316 см^{-1} $\text{C}=\text{O}$ ва $\text{C}-\text{N}$ валент тебранишига мос келади. Аралаш амидли координацион бирикмалар координациялашган ҳолатга ўтиши билан $\text{C}=\text{O}$ тебраниш қиймати $5-40 \text{ см}^{-1}$ га камаяди. Шу пайтда $\text{C}-\text{N}$ тебраниш частотаси $15-30 \text{ см}^{-1}$ га ошади. Тебранишдаги бундай ўзгариш магний ва кальций ионлари формаид молекуласи билан карбонил гуруҳидаги кислород атоми орқали координацияланишидан далолат беради (1-4, 17-21, 31-38).

Эркин ацетамид молекуласининг ИҚ-спектр ютилишини бир нечта тебранишлар билан тавсифлаш мумкин. Улардан $\text{C}=\text{O}$ ва $\text{C}-\text{N}$ валент

тебранишига мос келувчи 1660 ва 1390 см^{-1} частоталари кузатилади. Ацетамид молекуласи карбонил гуруҳидаги кислород атоми орқали боғланганда биринчи частота камаяди. Бундай ҳолатда C-N боғининг тебраниш қиймати кўтарилади. Бундай ўзгаришлар (5, 6, 22-25, 39-45) комплекс бирикмаларда кузатилди.

Эркин карбамид молекуласининг ИҚ-спектр ютилишида бошқа тебранишлар билан бирга карбамид молекуласидаги кислород атоми ва марказий ион билан координацион боғланиши билан тасдиқланадиган иккита тебраниш кузатилди. C=O ва C-N валент тебраниш частоталарига мос келадиган қийматлар бир турли координацион бирикмаларда (7-8, 26, 27, 46-51) келтирилган.

Тиокарбамиднинг эркин молекуласида 3 та характерли $1413-\nu$ (CS), $730-\nu$ (CS) ва $632 \text{ см}^{-1} - \delta$ (CS) частоталари кузатилади. Комплекс бирикмаларда $1413 \text{ см}^{-1} - \nu$ (CS) частота қийматининг ўзгариши кузатилмади, чунки у сукцинат гуруҳининг ν (COO) катта частотаси остида тўсилиб қолади. Бир турли (9, 10, 19, 23, 28, 29, 33, 40, 46, 52-56) комплексларининг паст тебранишли ҳудудида тиокарбамид молекуласи тебраниш спектрлари 730 ва 632 см^{-1} мос ҳолда $1-30$ ва $2-16 \text{ см}^{-1}$ га камаяди. Спектр тебраниши бундай ўзгаришини тиокарбамид молекуласи магний ва кальций ионлари билан координацияланиши олтингурут атоми орқали бўлиши билан изоҳланади.

Нитрокарбамид эркин молекуласининг ИҚ-спектр ютилишидаги иккита частота $1701 - \nu$ (CO) ва $1466 - \nu$ (CN) валент тебранишига мос келади. Карбонил гуруҳидаги кислород атоми орқали нитрокарбамид молекуласи координацияланганда келтирилган частоталар ўзгаришга учрайди. C=O боғи валент тўлқин тебраниши камаяди ва иккинчи тебраниш 1486 см^{-1} ошади. Ҳудди шундай ўзгаришлар бир турли ва аралаш лигандли комплекс бирикмалар (11-14, 20, 24, 26, 28, 30, 34, 41, 52, 57-59) да ҳам кузатилди.

Никотинамид молекуласи ИҚ-спектрида етарли микдорда тебранишлар кузатилди ва ν (халқа) тебраниши 1593 см^{-1} кузатилди ва комплексларда сезиларли даражада ошди. $1029 - \nu_k$ ва 703 см^{-1} да ютилиш чизиқлари (CNC) халқа тебраниш частоталарига мос келади. Ҳудди шундай ўзгаришлар бир турли ва аралаш комплекс бирикмаларда (15, 16, 21, 25, 27, 29, 30, 38, 42, 48, 51, 53, 57, 60, 61) ҳам кузатилди. Бундай ўзгаришлар никотинамид магний ва кальций ионлари билан пиридин халқанинг азот гетероатоми орқали координацияланишини кўрсатади.

Бензамид, никотин ва бензой кислоталарининг ИҚ-спектр ютилишларида C=O, C-N ва халқа тўлқини боғларининг валент тебраниш ҳудудида маълум частоталар ўзгариши кузатилади. Характерли частоталарда аниқланган ўзгаришлар органик молекулаларнинг магний ва кальций ионлари карбонил гуруҳидаги кислород ва пиридин халқасидаги азот гетероатоми орқали координацияланишидан далолат беради (35-37, 43-45, 47, 49, 50, 54-56, 58-61).

Сукцинат гуруҳининг характери таркиб, ацидо- ва апикал лигандларнинг ўзаро жойлашувига ва ички молекуляр водород боғларга боғлиқ ҳолда ўзгаради.

Формаид, ацетамид, карбамид, тиокарбамид, нитрокарбамид, никотинамид, бензамид, никотин ва бензой кислоталарнинг эркин молекулалари ва уларнинг магний ва кальций сукцинатлари билан координацион бирикмаларининг ИҚ-спектр ютилишидаги характерли частоталари (см⁻¹)


Бирикмалар	$\nu(\text{C}=\text{O})$	$\nu(\text{C}-\text{N})$	$\nu(\text{CS}), \delta(\text{CS})$	$\nu_{\text{K}}, \delta(\text{C}=\text{O})$
HCONH ₂	1709	1316		
CH ₃ CONH ₂	1670	1390		
CO(NH ₂) ₂	1680	1466		
CS(NH ₂) ₂			730,632	
O ₂ NHNCONH ₂	1701	1466		
NC ₅ H ₄ CONH ₂	1681			1593, 1029, 703
C ₆ H ₅ CONH ₂	1659			1577, 1024, 704
C ₆ H ₅ COOH	1687			1583, 1027, 707
NC ₅ H ₄ COOH	1709			1596, 1039, 748
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·2HCONH ₂ ·3H ₂ O [1]	1685	1405		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·4HCONH ₂ ·2H ₂ O [2]	1687	1392		
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·2HCONH ₂ ·2H ₂ O [3]	1678	1420		
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·4HCONH ₂ ·0,5H ₂ O [4]	1654	1415		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·2CH ₃ CONH ₂ ·2H ₂ O [5]	1665	1431		
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·2CH ₃ CONH ₂ ·2H ₂ O [6]	1668	1420		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·2CO(NH ₂) ₂ ·2H ₂ O [7]	1671	1471		
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·2CO(NH ₂) ₂ ·H ₂ O [8]	1671, 1648	1471		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·2CS(NH ₂) ₂ ·3H ₂ O [9]			718, 632	
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·2CS(NH ₂) ₂ ·0,5H ₂ O [10]			729, 632	
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·2H ₂ NCONHNO ₂ [11]	1680	1492		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·4H ₂ NCONHNO ₂ ·3H ₂ O [12]	1655, 1631	1470		
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·2H ₂ NCONHNO ₂ ·H ₂ O [13]	1680, 1655	1472		
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·4H ₂ NCONHNO ₂ ·2H ₂ O [14]	1680, 1656	1472		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·2NC ₅ H ₄ CONH ₂ ·2,5H ₂ O [15]				1619, 1684, 718
CaC ₄ H ₄ O ₄ ·2NC ₅ H ₄ CONH ₂ ·0,5H ₂ O [16]				1621, 1029, 719
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·HCONH ₂ ·CH ₃ CONH ₂ ·H ₂ O [17]	1669	1394		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·HCONH ₂ ·CO(NH ₂) ₂ ·H ₂ O [18]	1685	1456, 1385		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·HCONH ₂ ·CS(NH ₂) ₂ ·H ₂ O [19]	1688		731, 667	
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·HCONH ₂ ·O ₂ NHNCONH ₂ ·H ₂ O [20]	1685	1622		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·HCONH ₂ ·NC ₅ H ₄ CONH ₂ ·H ₂ O [21]	1692, 1683	1593, 1619		1618
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·CH ₃ CONH ₂ ·CO(NH ₂) ₂ ·H ₂ O [22]	1668	1395, 1504		
MgC ₄ H ₄ O ₄ ·CH ₃ CONH ₂ ·CS(NH ₂) ₂ ·H ₂ O [23]	1666	1466		732, 624

Бирикмалар	$\nu(\text{C=O})$	$\nu(\text{C-N})$	$\nu(\text{CS}),$ $\delta(\text{CS})$	$\nu_k,$ $\delta(\text{C=O})$
$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [24]	1668	1454		
$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [25]	1674	1421		1594, 1029, 703
$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot (\text{CONH}_2)_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [26]	1680	1465		
$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ [27]	1714, 1678	1480		1594, 1027, 698
$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [28]	1671	1457	731, 668	
$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [29]	1710	1466	722, 686	1610, 1031, 696
$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [30]	1714	1471		1635, 1027, 698
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [31]	1668, 1692	1330, 1394		
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [32]	1690, 1671	1385, 1432		
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [33]	1693		733, 667	
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2$ [34]	1689	1384		
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [35]	1690, 1659	1328, 1385		1550, 1035, 667
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [36]	1690, 1636	1331		1592, 1026, 682
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [37]	1683, 1633	1326		1610, 1032, 700
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [38]	1692	1329		1593, 1031, 701
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [39]	1669	1430		
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [40]	1667	1427	732, 668	
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [41]	1669	1457		
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ [42]	1678			1618, 1030, 703
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [43]	1667	1405		1594, 1027, 721
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [44]	1682, 1633	1407		1610, 1032, 700
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [45]	1660, 1625	1405		1625, 1027, 685
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2$ [46]	1670	1477	730, 670	
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [47]	1667, 1625	1430		1625, 1025, 705
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ [48]	1669	1463		1625, 1026, 670
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [49]	1668	1464		1633, 1032, 700
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [50]	1667, 1651	1495		1603, 1021, 722
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2$ [51]	1675	1464		1630, 1027, 698
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2$ [52]	1670	1466		1626, 1030, 670
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ [53]	1710	1425	722, 668	1610, 1032, 668


Бирикмалар	$\nu(\text{C}=\text{O})$	$\nu(\text{C}-\text{N})$	$\nu(\text{CS}), \delta(\text{CS})$	$\nu_{\text{к}}, \delta(\text{C}=\text{O})$
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [54]	1673	1423	712, 684	1590, 1027, 684
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [55]	1633	1421	730, 700	1610, 1032, 700
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [56]	1660, 1622	1449	730, 706	1622, 1026, 686
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ [57]	1674	1463		1630, 1027, 698
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [58]	1665, 1624	1449		1625, 1025, 686
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{O}_2\text{NHNCONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [59]	1673, 1633	1468	700, 674	1610, 1032, 700
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{C}_6\text{H}_5\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ [60]	1660	1404	703, 686	1610, 1032, 700
$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{COOH} \cdot \text{H}_2\text{O}$ [61]	1698	1407		1610, 703, 668

Барча синтез қилинган бирикмаларнинг термик барқарорлиги тадқиқ қилинди. Термик эффекти, барча термолиз оралиқларнинг иссиқлик диапазони, массанинг камайиши, умумий массанинг камайиши, ҳосил бўлувчи маҳсулотлар таркиби ва эффектларининг табиати аниқланди.

Келтирилган бирикмалардаги сув молекуласи водород боғлари ҳисобига боғланади. Синтез қилинган бирикмаларнинг термик анализ таҳлили шуни кўрсатдики, ДТА эгри чизиғи бўйича эндотермик эффектлар сув молекуласи, координациялашган формаид ва ацетамидларнинг чиқиши билан изохлади, экзотермик эффектлар эса карбамид, тиокарбамид ва сукцинат фрагментининг парчаланиши ҳисобига вужудга келади. Термолизнинг охириги маҳсулотлари сифатида кальций ва магний оксиди ёки сулфиди қолиши маълум бўлди. Шу аснода, комплексларнинг термик хусусиятлари модданинг таркибига, лигандларнинг ва сукцинат фрагментининг координацияланишига, марказий атомнинг қандай тартибда қуршалганлигига ва координацион тугуннинг конфигурациясига боғлиқ эканлигини кўришимиз мумкин (3- ва 4-расм).




3-расм. $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ нинг дериватограммаси




4-расм. $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ нинг дериватограммаси

Магний ва кальций сукцинатларининг амидли координацион бирикмаларининг тузилиш таҳлили

$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ - (I-1) таркибли комплекс бирикма учун тўртта тетраэдрик ва тўртта октаэдрик тузилишлар таклиф қилинди. Ҳосил бўлиш иссиқлигига кўра, I-1 тузилиш энергетик энг самарали эканлиги аниқланди. Кальций иони иккита сукцинат гуруҳининг иккита кислород атоми ва иккита формаид ҳамда карбаиднинг кислород атоми билан қуршалган. Сув молекуласи кислород атоми, формаид молекуласининг водороди ва сукцинат фрагментининг кислород атоми билан водород боғ ҳосил қилади (5-расм).



5-расм. $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CO}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (I-1) молекуласининг фазовий тузилиши




6-расм. $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (II-3) молекуласининг фазовий тузилиши

$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CH}_3\text{CONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (II-3) таркибли бирикма учун ҳам тўртта тетраэдрик ва тўртта октаэдрик тузилишлар таклиф қилинди. Ҳосил бўлиш иссиқлигига кўра, II-3 тузилиш энергетик энг самарали эканлиги аниқланди. Кальций иони иккита сукцинат фрагментининг иккита кислород атоми ва формаид ҳамда ацетаид молекулаларининг иккита кислород атоми билан қуршалган. Сув молекуласи формаид молекуласи ҳамда сукцинат гуруҳи битта анионининг кислород атомлари билан водород боғ ҳосил қилади (6-расм).


$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (III-1) комплекс бирикмаси учун тўртта тетраэдрик ва тўртта октаэдрик тузилишлар таклиф қилинди. Ҳосил бўлиш иссиқлигига асосан (III-1) тузилиш энергетик энг самарали тузилиш эканлиги аниқланди. Магний иони иккита сукцинат гуруҳининг иккита кислород атоми, формаиддаги кислород атоми ва тиокарбаиднинг олтингугурт атоми билан қуршалган. Сув молекуласи формаиднинг карбонил гуруҳидаги кислород атоми, сукцинат фрагментининг карбоксил гуруҳидаги битта кислород атоми ва формаид молекуласидаги амин гуруҳининг водороди билан водород боғ ҳосил қилади (7-расм).

$\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{NO}_2\text{NHCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (IV-5) таркибли бирикма учун тўртта тетраэдрик ва тўртта октаэдрик тузилишлар таклиф қилинди (илова). Ҳосил бўлиш иссиқлигига кўра IV-5 тузилиш энергетик энг амарали

эканлиги аниқланди. Кальций иони сукцинат фрагментининг иккита ярим дианионидаги кислород атоми, нитрокарбамиднинг карбонил гуруҳидаги битта кислород атоми ва никотинамид молекуласининг азот гетероатоми билан қуршалган (IV-5). Сув молекуласи карбонил гуруҳининг кислород атоми, нитрокарбамид молекуласидаги амин гуруҳининг водород атоми ва сукцинат фрагментидаги карбоксилат гуруҳининг битта кислород атоми билан водород боғ ҳосил қилади (8-расм).



7-расм. $\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{HCONH}_2 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (III-1) молекуласининг фазовий тузилиши




8-расм. $\text{CaC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2 \cdot \text{NO}_2\text{NHCONH}_2 \cdot \text{H}_2\text{O}$ (IV-5) молекуласининг фазовий тузилиши

$\text{MgC}_4\text{H}_4\text{O}_4 \cdot \text{CS}(\text{NH}_2)_2 \cdot \text{NC}_5\text{H}_4\text{CONH}_2$ – V комплекс бирикмаси учун ички молекуляр водород боғлари бўлган тўртта тетраэдрик ва тўртта октаэдрик шаклидаги сукцинат гуруҳининг ҳар-хил координацияланиш имкони бўлган тузилишлари таклиф қилинди. Саккизта структурадан ҳосил бўлиш иссиқлигига қараб 2 та кислород орқали сукцинат фрагменти, олтингугурт орқали тиокарбамид молекуласи, пиридин халқасида азот гетероатоми орқали никотинамид молекуласи билан монодентат ҳисобига кўра магний марказий атомини қуршаган тузилиш ҳисобланди (V-4). Никотинамид ва тиокарбамидларнинг амин гуруҳидаги водород атомлари иштирокида сукцинат гуруҳи карбоксил фрагментидаги ҳар бир кислород атоми ҳисобига ички молекуляр водород боғлар юзага келади (9-расм).


